



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 2 июль, № 134 (9029)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 июль куни рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва телекоммуникация соҳаларидаги режалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожини янада кенг имкониятлар катта натижалар олиб келди. IT-парк резидентлари 2 минг 800 дан ошди, хорижий компаниялар 752 тага етди. Бу соҳада 40 минг нафар ёш юкори даромад топппти.

Охириги 5 йилда соҳа экспортини 170 миллион доллардан 1 миллиард долларга яқинлашди. Интернет тезлиги 7 баробар, мобиль интернет эса 4,5 баробар ошди. Ўтган йили соҳадаги стартапларга 70 миллион доллар венчур инвестиция киритилди.

Буларнинг натижасида “Глобал стартаплар индекси” рейтингига Ўзбекистон 12 поғона юкорилаб, “ТОП-100”ликка кирди. Ўтган йили “Сунъий интеллектга

тайёрлик” халқаро индексида юртимиз 17 поғона кўтарилиб, Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг ўсиш суръатлари бўйича МДХ мамлакатлари рейтингига биринчи ўринни эгаллади.

Бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, келгуси йилда давлат хизматларини рақамлаштиришни 70 фоизга, IT хизматлари миқдорини 100 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси”да камиди 55-ўринга кўтарилиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қатор ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Тақдимотда ушбу лойиҳалар ва таклифлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда 760 та давлат хизмати рақамлаштирилган. Ўтган йили 10 миллион фуқаро рақамли хизматлардан фойдаланган.

Давлатимиз раҳбари энди кейинги “Рақамли ҳукумат” босқичига ўтиш вақти келганини таъкидлади. Буни, энг аввало, аҳоли энг кўп муурожаат қиладиган таълим, тиббиёт, қурилиш ва коммунал соҳалардан бошлаш кераклиги айтилди.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги қарорига мувофиқ Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинган эди. Бу соҳада инфратузилмани яхшилашга 50 миллион доллар ажратилди. Сунъий интеллект

миллий моделини яратиб, 1 миллион нафар мутахассис тайёрлаш вазифаси белгиланган.

Рақамли технологиялар вазири бунини амалга ошириш босқичлари, инфратузилмани яхшилаш тадбирлари ҳақида ахборот берди.

Соҳада хизматлар ҳажми ва экспортини ошириш ҳам муҳим вазифалардан. Ҳозирда бу борадаги кўрсаткичларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келяпти. Ўзбекистондаги шароит ва имтиёзлар натижасида бошқа релокантлар ҳам юртимизга келишдан манжаат кўряпти. Шу боис ҳар бир ҳудудда жозибадор муҳит яратиб, чет эл компанияларини жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, 2024 йилда Парижда ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ҳар икки йўналишда 13-ўринни эгаллаган эди. Жорий йил 13 февралда бўлган видеоселектор йиғилишида юртимизда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларга пухта ҳозирлик қилиш вазифаси қўйилган. Шунга мувофиқ 2028 йилда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўладиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарор билан 10 та устувор вазифа белгиланмоқда. Булар — спорт турларини устувор, истиқболли ва ривожланаётган тоифаларга ажратган ҳолда кучайтириш, натижадор спорт турлари географиясини кенгайтириш, иктидорли ёшларни қўли бўғиндан бошлаб шаффоф усулда саралаб олиш, хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган миллий методика яратиш, терма жамоалар учун аниқ мақсад ва натижадорликка йўналтирилган ўқув-машғулоти йиғинларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кабилардир.

Шунингдек, Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар белгиланмоқда.

Бу соҳадаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия кўмитасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили бўлади. Ҳар бир ҳудудга Спорт вазирлиги ва Олимпия кўмитасидан масъуллар бириктирилади.

Асосий мақсад фақат битта Олимпиада эмас, доимий ва мустаҳкам замин яратишдир. Иктидорли спортчиларни энг қўли бўғиндан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилади. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент Олимпиадаси” сифатида ўтказилади. Ғолиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади.

Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий терма жамоалар заҳирасини яратишга қаратилади. Унинг таъминоти 2026 йилдан бошлаб республика бюджетига ўтказилади. Марказ 8 — 11-синфлар учун мактаб, 1 — 2-курслар учун коллеж сифатида фаолият кўрсатади ҳамда қабул квотаси оширилади. 1 — 2-курс ўқувчиларига Спорт вазирлиги стипендияси берилади. Ўқув-машғулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга бегараз асосда бириктирилади.

Шунингдек, атлетлар заҳирасини кенгайтириш мақсадида ҳусусий спорт клублари фаолияти тақомиллаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланади. Юкори натижа кўрсатган спортчилар миллий терма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

Спортчи ва мураббийлар учун кўплаб рағбатлар ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари олий ҳарбий таълим муассасаларига тўғридан-тўғри қабул қилинади. Маҳоратли спортчиларни бошланғич бўғинда етиштирган мураббийлар учун ҳам устаманинг муайян қисми тўлаб борилади.

Давлатимиз раҳбари спорт федерациялари фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳудудларда соҳа инфратузилмасини яхшилаш, спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга оид қарор лойиҳаси ҳақида ахборот берилди.

Бу соҳалар халқимиз маданиятининг, ёшлар тарбиясининг ажралмас қисми. Лекин илгари, ўнлаб йиллар давомида рассомлар эътибордан четда қолганди. Шу боис Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масалага тўхталиб, мутасаддиларга кўрсатма берган эди.

Лойиҳага кўра 2026-2027 йилларда инвестиция дастури доирасида Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали ва фонди биносини реконструкция қилиш, Тошкент Фотосуратлар уйида Мултимедиа маркази ташкил этиш режалаштирилган.

Энг муҳими, санъатсевар ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилади. Жумладан, Бадиий фонд ҳудудида замонавий галерея ҳамда 40 та ижодий устaxonадан иборат Ёш рассомлар маркази барпо этилади, Шарқ миниатюра санъати музейида ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси ташкил қилинади. Беньков номидаги рассомлик мактаби таъмирланиб, 400 ўринли қўшимча ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона қурилади.

“Устоз — шогирд” тамойили

асосида ёш қаламкашларни тарбиялаб келаётган тажрибали рассомлар қўшимча рағбатлантириб борилади. Ҳар йили танлов асосида энг истеъдодли ижодкорлар хорижий мамлакатларга тажриба алмашишга юборилади.

Қамолддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таълим сифатини ошириш чоралари қурилади. Бу ерда илғор хорижий ўқув режа ва дастурлар босқичма-босқич жорий этилади. Профессор-ўқитувчиларнинг муносиб бадиий асарлари илмий монографияга тенглаштирилади. Шунингдек, бу институти битирган мутахассисларга мактабларда тасвирий санъат фанидан дарс ўтишга рухсат берилади.

“Янги Ўзбекистон манзаралари”, “Тарихий алломалар” ва “Замон қахрамонлари” туркумидан ижодий асарларни давлат буюртмаси асосида яратиш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз ҳудудларда ҳам рассомлар учун шароитларни яхшилаш, ёшларни тасвирий ва амалий санъатга жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2 — 4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ 2-3 июль кунлари Боку шаҳрида Олий давлатларро кенгашининг иккинчи йиғилиши ва бошқа олий даражадаги тадбирлар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперация ва алмашинувларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Президенти 4 июль куни Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этади ва қатор икки томонлама учрашувлар ўтказади.

Ў.А.

Ўзбекистон — Озарбайжон: КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2 — 4 июль кунлари давлат ташрифи билан Озарбайжонда бўлади ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этади.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт синовидан ўтган ишончли стратегик ҳамкордир. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йил 2 октябрда ўрнатилган. Ушандан буён ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётган икки томонлама мулоқот стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг энг юкори поғонасига кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг дўстона ва ўзаро мустаҳкам ишончга асосланган муносабатлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2022 йилда Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси ва 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома каби ҳужжатларнинг имзоланиши билан икки томонлама муносабатлар тарихида мулқо янги саҳифа очилди.

Мунтазам ташрифлар ва олий даражадаги учрашувлар ҳамкорликнинг барча йўналишида юкори суръатларни белгилаб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қиляпти. Президент Илҳом Алиевнинг 2022 йил июнь ва 2024 йил август ойларидаги Ўзбекистонга давлат ташрифлари, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил август ойда Озарбайжонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муҳим во-

қелик бўлди. Ушбу ташрифлар давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган ўнлаб шартномалар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжонда бўлиб ўтган турли кўп томонлама форумларда, жумладан, Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳи ва 2023 йилда БМТнинг Марказий Осиё иқтисодийлари бўйича махсус дастури (СПЕКА) саммитларида, Туркий давлатлар ташкилоти ва БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (COP29) қатнашди.

Ўз навбатида, Озарбайжон етакчиси 2022 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва 2023 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитларида иштирок этди.

➡2

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН БИРИНЧИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ФОРУМИ

ҳамкорликни янада ривожлантириш ва
қадриятларга садоқатнинг ёрқин далили

1 июль куни қадимий ва гўзал Хива шаҳрида Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентларо форуми бўлиб ўтди.

“Янги имкониятлар сари: мулоқотдан ҳамкорликкаги ҳаракатларга” мавзуйини ўзиди муҳассам этган ушбу нуфузли анжуман икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш, парламентларо мулоқотни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида ташкил этилди. Форум икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида ўтказилган ишнинг аҳамиятини янада оширгани шубҳасиз.

Анжумани Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева очиб берди. Сенат Раиси ўз нутқида таъкидлаганидек, “Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентларо форуми — бу нафақат тарихий воқелик,

балки икки давлат парламентларо ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқувчи муҳим платформа ҳисобланади. Биз мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва Парламентларо комиссия ташкил этиш орқали икки то-

монлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур. Ушбу форум Ўзбекистон ташки сиебасининг очиклиги, дўстлик ва барқарор тараққиётга йўналтирилганининг яна бир ёрқин далилидир.”

➡3



Ахборот МУҲАММАДОВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР САМАРАДОРЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов юртимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга атрофлича тўхталди.

Жумладан, 23 июнь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон вакиллик органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини янада ошириш борасида муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Аҳолини ташвишга солиб келаётган долзарб масалаларни ҳал қилиш ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича маҳаллий Кенгашларга қатор қўшимча ваколатлар берилгани ургуланди. Ушбу Фармон ижросини ўз вақтида ва самарали амалга оширишда депутатлар фаол иштирок этиши лозимлиги, сиёсий



партиялар фракциялари ва кўмиталар маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиши, уларнинг янги ваколатларидан самарали фойдаланишларига кўмаклашиши зарурлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан бир гуруҳ ёшлар билан учрашгани ва навқирон авлод вакилларининг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларини илгари сургани алоҳида эътироф этилди. Ушбу ташаббуслар йигит-қизларнинг

иқтидори, салоҳияти ва истеъдодини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимизнинг ёшлар билан бўлиб ўтган бу галги мулоқотининг руҳи бугунги даврнинг жуда долзарб ва ўткир талаблари ҳамда вазифаларини ифода этгани, мураккаб ва зиддиятли замонда миллатлар ва халқларнинг келажагини, яшовчанлигини қафолатлайдиган ёшлар қатлами билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш глобал масала экани қайд этилди.

➡4



ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН БИРИНЧИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ФОРУМИ

ҳамкорликни янада ривожлантириш ва қадриятларга садоқатнинг ёрқин далили

Ўз навбатида, Озарбайжон Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафорова ҳам “бугун давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродасига асосланган, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликка таянган парламентлараро форматда ҳамкорликнинг янги саҳифаси очилляпти. Ишонамнки, парламентларимиз янги форматда давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантиришга туртки беради”, дея ўз фикрини билдирди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон муносабатлари ҳар доим умумий тарихий, маданий ва маънавий қадриятларга асосланган. Бу ришталар халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва биродарлик туйғулари билан мустаҳкамланган.

Форумда дўстлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш, уларни парламентлараро комиссиялар даражасига кўтариш, қўшма қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқиш, ёшлар интилишларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, рақамли трансформация ва экология каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинади.

Шунингдек, у ҳудудий вакиллик органлари (Ўзбекистонда маҳаллий Кенгаш ва Озарбайжонда муниципалитет, озарбайжонча “беле-дие”) ўртасида тажриба алмашиш механизми жорий этиш, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий, иқтисодий ривожланишдаги турли ёндашувларнинг

самарадорлигини ошириш учун муҳим қадам ҳисобланади. Бу ташаббус маҳаллий даражадаги қонунчилик органлари орасида билим ҳамда тажриба алмашишга, муаммоларни ҳал қилишда янгича қарашлар ва ишлаш усулларини татбиқ этишга имкон беради, натижада ҳар бир ҳудудда ижобий ўзгариш-

лар қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Форум доирасида ўтказиладиган сессияларда ҳам парламентлараро роли, қонун ижросини назорат қилиш, бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, рақамли ислохотлар, маданият ва туризм соҳаларидаги алоқалар, атроф-муҳитни муҳофазалаш ҳамда аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни каби мавзулар кенг муҳокама этилди.

Қисқача айтганда, мазкур форум нафақат парламентлараро мулоқот учун муҳим платформа, балки икки давлат ўртасидаги умумий тараққиёт истиқболларини белгилаб берувчи, яқин ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитувчи муҳим воқеали сифатида тарихга киради.

Форум якунлари бўйича стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, устувор соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, қўшма ташаббусларни самарали амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қаратилган Хива декларациясини қабул қилиш назарда тутилган.

Сўнгги 5 йил ичида

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўзаро савдо ҳажми икки баравар ошиб, 2024 йил якунлари бўйича 253 миллион АҚШ долларига етди. Яқин келажакда мазкур кўрсаткични 1 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган.

■ Қўшма корхоналар сони 5 баравар ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капиталли иштирокида 240 дан ортиқ компаниялар фаолият юритмоқда.

■ Самарқанд — Ганжа, Хива — Шуша, Бухоро — Ланкарон, Қўкон — Шаки, Наманган — Мингечаур, Гулистон — Фузулий, Термиз — Билесувар шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган.

■ 40 дан ортиқ олий ўқув юртлари ўртасидаги дастур ва меморандумлар амал қилмоқда.

■ Сенат ва Миллий Межлис ўртасида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 2 та “Йўл харитаси” амалга оширилган.

Учрашув

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ РУҲИДА

Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафорова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туйғайли Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари юксак даражага кўтарилгани ҳамда иттифоқчилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида рақамлаштириш, инновацион ривожланиш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда парламентлараро тажриба алмашишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли

қўмиталар ва комиссиялар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, парламент делегацияларининг мунтазам таширифлари алмашинуви зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, томонлар Қўшилмаслик ҳаракатининг парламент тармоғи, Осий Парламент ассамблеяси, Парламентлараро Иттифоқ каби халқаро ва минтақавий парламентлараро тузилмалар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини билдирди.

Айни чоғда парламентлараро

форумнинг бой ва мазмунли кун тартиби қайд этилди, унинг доирасида стратегик шериклик ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашда парламентларнинг ролидан тортиб глобал таҳдидларга биргаликда жавоб бериш ва барқарор ривожланишни рағбатлантиришга бўлган асосий масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якуни бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси “Йўл харитаси”, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги парламент ҳамкорлигининг институционаллаштиришда муҳим қадам бўладиган Парламентлараро комиссия фаолияти регламенти имзоланди.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАР РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ — ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон — Озарбайжон парламентлараро форуми доирасида икки мамлакат парламентлари вакиллари ўртасида хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига бағишланган учрашув уюштирилди.

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар, ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озмигул Қозихонова мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаоллиги, қадр-қимматини оширишга қаратилган тизимли ишлар, гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, шунингдек, аёл-

лар ва болаларни оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш йўлидаги қонунчилик ташаббуслари ҳақида батафсил маълумот берди.

Озарбайжон Миллий Межлиси аъзоси Танзила Рустамханли мамлакатимиз парламентининг бугунги фаолияти ва тажрибасини юқори баҳолаб, қонунчилик соҳасида амалга ошири-

лаётган ишларни алоҳида эътироф этди.

Мулоқот чоғида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳаларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ёшлар ўртасида маданий-гуманитар лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон парламенти ва Озарбайжон Миллий Межлиси ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ОЧИҚЛИК, ҲИСОБДОРЛИК, ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ

Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми доирасида ҳар иккала мамлакат парламент аъзолари иштирокида стратегик алоқаларни мустаҳкамлаш, бизнес ва инвесторлар учун қулай муҳит яратиш, интеллектуал капитал ҳамда рақамли трансформация соҳасидаги ҳамкорлик, атроф-муҳитни муҳофазалаш ва иқлим ўзгаришининг олдини олиш масалаларига бағишланган панель сессиялари ўтказилди.

Форум

Стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш — устувор вазифа

Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми доирасида “Стратегик ҳамкорликни ривожлантиришда парламентларнинг роли: қонунчилик ташаббуслари, юқори даражадаги келишувлар ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш” мавзусидаги панель сессиясида иштирокчилар парламент назорати юзасидан долзарб масалалар, қонунчилик ташаббуслари ва уларнинг ижросини атрофлила муҳокама этди. Шунингдек, юқори даражада эришилган келишувларнинг амалда бажарилишини таъминлаш, ихро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти ва ОАВ билан самарали ҳамкорликни ташкил қилиш каби муҳим йўналишлар бўйича фикр алмашилди.

Қонун устуворлиги, очкилик, ҳисобдорлик, бюджет назорати, коррупцияга қарши курашиш устидан парламент назорати, инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар ҳимояси сессияда муҳокама қилинган асосий мавзулардан бўлди.

Иштирокчилар парламентлар ўртасида мунтазам тажриба алмашиш ва парламент дипломатиясини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Бизнес ва инвесторлар учун қулай муҳит асоси

“Иқтисодий тараққиётни парламент томонидан қўллаб-қувватлаш: бизнес ва инвестициялар учун янги имкониятлар” мавзусидаги панель сессияда икки мамлакатнинг иқтисодий ривожини

ни молиялаштириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Сессия якунида иштирокчилар интеллектуал салоҳият ва рақамли технологияларни ривожлантиришда парламентлараро ҳамкорликнинг долзарблиги, қонунчилик ташаббуслари ва институционал қўллаб-қувватлаш муҳим омил эканини таъкидлади. Парламентлар таълим, илм-фан ва инновация соҳаларида халқаро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаши ҳамда ёш авлодни билимли, рақамли саводхон ва ташаббускор қилиб тарбиялашда фаол қатнашиши зарурлиги қайд этилди.

Маданий дипломатия ва соғлиқни сақлаш борасидаги қўшма ташаббуслар

Анжуманининг 4-панель сессияси маданият, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида парламентлараро ҳамкорликка бағишланди. Парламент аъзолари томонидан ушбу соҳаларда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари атрофлила муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан маданий алмашинувлар, қўлғазмалар ва қўшма маданий марказлар ташкил этиш, тарихий меросни асраш ҳамда ўзбек ва озарбайжон тилларини ўрганишни рағбатлантиришда парламентлар фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Панель сессиянинг иккинчи йўналиши доирасида туризм соҳасида виза тартибларини соддалаштириш, тарихий-маданий ва экологик йўналишларни ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, қўшма туристик брендлар яратиш каби ташаббуслар парламентлараро алоқаларнинг янги формати сифатида илгари сурилди.

Шу билан бирга, сессиянинг якуний қисмида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ва парламент ташаббуслари муҳокама этилди.

Хусусан, тиббий кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ва технологиялар алмашинуви, инфекция касалликлари профилактикаси, оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича парламент даражасида ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ноғиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив тиббий ва маданий хизматларни йўлга қўйиш, телеабилитация, соғлом туризм ва спорт-реабилитация марказларини қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

«Яшил» келажак сари

5-панель сессия “яшил” келажакка, атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ҳимоя қилишда парламентларнинг ролига бағишланди.

Дастлаб унда иқлимга мослаштирилган қонунчиликни шакллантириш масалалари, миллий ва минтақавий устувор йўналишлар муҳокама марказида бўлди.

Сўзга чиққанлар иқлим ўзгаришига қарши курашишда парламентларнинг ўрни, барқарор ривожланиш учун қонунчилик ташаббуслари, “иссиқхона газлари” чиқиндиларини камайтириш, “яшил” энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва пластик истеъмолини қисқартириш каби муҳим йўналишлар бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот давомида “яшил” технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, экологик таълим ва маданиятнинг ривожлантириш, ёшлар орасида эко-ташаббусларни тарғиб этиш, “соғлом шаҳар” инфратузилмасини — велоўйлақлар, яшил зоналар, спорт майдончалари ва оммавий тадбирлар орқали шакллантириш борасидаги парламент ташаббуслари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида парламент аъзолари атроф-муҳитни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, биологик хилмаҳилликни асраш, тиббий экотуризмни ривожлантириш, ноғиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив маданий ва экологик хизматларни йўлга қўйиш бўйича парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

Истиқбол

ХИВА ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Хива шаҳрида Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Озарбайжон Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафорова ўз нутқида Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати, амалга ошираётган ислохотлари туйғайли бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан жадал қадам ташлаб, қўллаб соҳаларда салмоқли ютуқ ва марраларни забт этмоқда, деб таъкидлади.

Кун давомида форум иштирокчилари қатор долзарб масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, стратегик шерикликни мустаҳкамлашда парламентларнинг ўрни, ижтимоий-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, рақамлаштириш, инновацион ривожланиш, барқарор қишлоқ ҳўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, гуманитар ва экологик соҳалардаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодий алоқалар ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамият ҳамда давлат ҳаётидаги ролинини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Форумда инвестиция муҳитини яхшилаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижда Ўзбекистон ва Озарбайжон савдо ўйларини ташкил этиш, мунтазам бизнес миссияларини ўтказиш бориш, виза тартиб-таомилларини соддалаштириш ва рақамли туризм платформасини яратиш, туркий дунё мамлакатлари учун умумий таълим базаси ва электрон ресурсларни шакллантириш, тиббий суғурта ва беморларни трансчегаравий даволаш бўйича қўшма ёндашувларни ишлаб чиқиш каби қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди ва қўллаб-қувватланди.

Форум якунида учта муҳим ҳужжат қабул қилинди:

— Парламентлараро ҳамкорликнинг асосий тамойили ва устувор йўналишларини акс эттирувчи Хива декларацияси; — 2025-2026 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”); — таъсис этилиши қўшма қарорларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишда муҳим механизм ҳисобланган Парламентлараро комиссия регламенти.

Иштирокчиларнинг фикрича, форум Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари манфаатлари ҳамда икки дўст давлат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

«Халқ сўзи».

Брифинг

ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани

Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафорова ОАВ ходимлари учун брифинг ўтказди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар азалдан умумий тарихий, маданий ва маънавий қадриятларга асослангани, бу ришталар халқларимизнинг дўстлиги, бир-бирини ҳурмат қилиши, қардошлик туйғуларини билан мустаҳкамлангани эътироф этилди.

Шунингдек, кун давомида парламентлар ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилингани, икки мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда парламентлар ва вакиллик органларининг қўллаб устувор вазифалари кўриб чиқилгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳамкорлиги нафақат икки томонлама, балки минтақавий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар икки мамлакат фаровонлиги ва минтақавий барқарорлигига хизмат қилиши ургуланди. Парламентлараро алоқалар эса стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда икки давлатнинг салоҳиятини янада кенгроқ очиб бериш имконини бериши ҳамда форумнинг якуний ҳужжати — Хива декларацияси парламентлараро ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатларини ўз ичига олиши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) июнь ойи якунига қўра эълон қилган профессионал боксчиларнинг янгиланган рейтингдан мамлакатимизнинг 8 нафар вакили жой олди.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР САМАРАДОРЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАД



Мажлисида, шунингдек, ҳуқуқий эксперимент ва риэлторлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш, статистика соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ҳамда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиблари белгиланмоқда

Мажлисида “Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда илгор технологияни тараққиёт барча соҳага чуқур кириб бормоқда. Ҳар қандай ўзгариш ва янгиликни синовдан ўтказгандан сўнг жорий этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ саналади. Ҳуқуқий эксперимент мана шу жиҳатдан ҳам муҳим демократик институт ҳисобланади.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари, уни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, ҳуқуқий эксперимент натижаларини баҳолаш тартиби ва уларни расмийлаштириш бўйича талаблар белгиланмоқда. Шунингдек, муайян тартиб-таомилни ҳуқуқий экспериментдан ўтказиш вақт, ҳудуд ва шахслар доираси бўйича олиб борилиши, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш босқичлари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида келиб тушган таълиф ва фикрлар эътиборга олинди, ундаги нормалар такомиллаштирилди. Хусусан, чекланган соҳаларнинг умумий мезонлари аниқлаштирилди, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган, бекор қиладиган ёки ёмонлаштирадиган экспериментларга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказишдаги ваколатли органлар роли кенгайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи роли аниқ белгилаб қўйилмоқда. Давлат органлари ваколатлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий экспериментда иштироки алоҳида бобда акс эттирилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор асосли савол ва таъкирлар илгари сурилди. Хусусан, **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** қонун лойиҳаси, авваламбор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга тўлиқ жорий қилишдан олдин, уларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартибин жорий этишга қаратилганини таъкидлади.

Депутат ҳуқуқий экспериментларни амалга ошириш билан боғлиқ масалага эътибор қаратди. Мазкур ҳуқуқий механизмни амалга оширишнинг аниқ ва муқаммал тартиби қонун лойиҳасининг қатор моддаларига ўз ифодасини топаганини таъкидлади. Унга кўра, ҳуқуқий эксперимент қандай тартибда ташкил этилиши, ваколатли органлар томонидан бўлдиқ экспериментларни ўтказишга оид қарорлар қандай асосда ва қайси шаклда қабул қилиниши масалалари қонунчиликда аниқ ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланиши зарур.

Шунингдек, халқ вакили қонун лойиҳасидаги айрим моддаларнинг номаълумлиги мазмунига тўлиқ мос келмаслиги билан боғлиқ аниқлаштиришни талаб этувчи саволларни ўртага таш-

лади. Лойиҳадаги алоҳида нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, улар ўртасида мазмуний яхлитликка эришиш юзасидан аниқ таъкирларини билдирди.

Қонун ташаббускорлари бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтди. Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳаси халқчи қонунларнинг қабул қилинишига, самарали ҳуқуқий нормаларни амалиётга жорий этишга ҳамда ҳуқуқни қўллашдаги турлича талқин ва мураккабликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Билдирилган муносабатлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Риэлторлик фаолиятида очиклик ва шаффофлик

Мажлисида “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда батафсил қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда риэлторлик хизматлари бозоридagi талабларни қондириш мақсадида риэлторлик фаолиятини риелланштириш, ушбу хизматлар сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, риэлторлик фаолиятини тартибга солиш, соҳада амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий тенденцияларга ва қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқлигини ўрганиш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати юзгага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси билан норасмий воситачилар (маклерлар)нинг яширин бозорини қисқартириш, улар фаолиятининг очиклиги ва ҳалоллигини таъминлаган ҳолда “кўчмас мулк бўйича агенти” сифатида риэлторлик фаолиятини юритишга рухсат бериш, бу билан рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчиларнинг риэлторларга нисбатан ишончини ошириш ҳамда фуқароларнинг алданishi ҳолатларининг олдини олиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, банкдан ташқари айлангани, шу орқали “яширин икти-содиёт”нинг қисқариши ва риэлторлик хизматларини “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиш мақсадида кўчмас мулк объектларининг электрон савдосини ҳамда ҳисоб-китобларни электрон шаклда амалга ошириш (клиринг) имконини берувчи мултиистилити тизимларини (электрон савдосини) ташкил этиш белгиланяпти.

Лойиҳа билан риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари ўрнини кенгайтириш, уларга янги вазифалар ва ваколатлар бериш ҳам таъкиф этилмоқда. Риэлторлик субъектларининг тўғри ҳисобини юритиш, улар ҳақида жамоатчиликка очик ахборот етказиш ва самарали мониторингинг йўлга қўйиш мақсадида аҳоли учун очик бўлган риэлторлик субъектларининг “Ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш белгиланяпти.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича қатор саволларни ўртага ташлашди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев** қонун лойиҳасининг 19-моддасида риэлторлик шартлигига қўйилаётган мажбурий шартларга тўхталиб ўтди. Хусусан, улардан бири, яъни риэлторлик ташкилоти профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлиши керак, дея мажбурият қилиб белгиланиши назарда тутилаётгани амалдаги “Нодавлат

нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунлар нормаларига зид бўлиб қолмайдими деган савол ўртага ташланди.

Шунингдек, депутатлар томонидан, риэлтор, риэлторлик ташкилоти, риэлторлик фаолиятининг асосий принциплари, ушбу соҳадаги давлат сисбатининг асосий йўналишларига оид қатор аниқлаштирувчи саволлар ҳам берилди.

Қонун ташаббускорлари барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш берди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Йўл-транспорт соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун «маъмурий оғохлантириш» жазо чораси жорий этилади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “маъмурий оғохлантириш” жазо чорасини киритиш ва ижтимоий хавфи кам бўлган йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун оғохлантириш жазосини қўллашни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддаси тўлдирилмоқда. Унга мувофиқ, йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, қарор устидан шикоят қилинганда эса бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши белгиланяпти. Яъни эндиликда фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланган ҳуқуқбузарлик учун қарор бир ойдан кечиктириб чиқарилган бўлса, жазо қўлланилмайд.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда автоматлаштирилган фото ва видео воситалари ёрдамида қайд этиладиган ҳуқуқбузарликлар аниқ санаб ўтилмоқда. Эндиликда “полосани босганлик” ҳолати камера орқали қайд этилса, жарима қўлланилмаслиги ҳам белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, **Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов** қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган 24-модда, яъни “маъмурий оғохлантириш” институтининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Унинг айтишича, эндиликда лойиҳада санаб ўтилган олтига модда бўйича йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсни инсонпарварлик нуктаи назаридан, агар у айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлса, дарҳол жарима қўлмасдан ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан унга нисбатан маъмурий оғохлантириш чорасини қўллаш назарда тутиляпти. Бу инсонпарварлик институ-

тининг қўлланилиши, албатта, эътиборга молик.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлашга тўқсинлик қилувчи, коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг ортқича сарсон бўлишига сабаб бўлувчи айрим нормаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзгага келяпти.

Шундан келиб чиқиб, “Қимматли қорғазлар бозори тўғрисида”ги Қонунни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида акцияларни акциядорлик жамияти билан бир қаторда акциядорлар ҳам имтиёзли ҳуқуқ асосида (тўғридан-тўғри) сотиб олиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, йиғимларни жорий этиш тартиби фақат қонунларда белгиланиши назарда тутилмоқда. Лойиҳа билан Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш ваколати Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказилмоқда.

Депутатларнинг таъкирларидан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси билан давлат ўрмон ҳўжалиги органлари томонидан ўрмон фонди ерларини он-лайн-аукцион орқали ижарага бериш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ фақатгина ўрмон фонднинг фойдаланилмаётган ерларига нисбатан таъбиқ этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида ушбу ҳужжат ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилиши қайд этилди.



Алихон УТАРБЕКОВ олган суратлар.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар учун қулай шарт-шароитлар

“Расмий статистика соҳасида давлат бoshқаруви тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасини Миллий статистика қўмитасининг ташкил этилиши расмий статистика соҳасида давлат сисбатини амалга ошириш, расмий статистикани ри-

вожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш жараёнида статистика органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, расмий статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш зарурати юзгага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан 2 та кодекс ва 10 га яқин қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун лойиҳаси расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Муҳолифат фракциясининг қатъий позицияси ва 22 та қарши овоз

Мажлисида кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда. Бунда дала четлари ҳамда каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда белгиланган муддатда экин экмаганлик ва йил давомида маҳсулот етиштирмаганлик учун жавобгарлик белгилан, ер солиғини оширилган ставкада ҳисоблаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси кишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган сугориладиган ер участкаларидан самарали фойдаланишга, озик-овқат маҳсулотларига тобора ошиб бораётган талабни қондиришга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатларнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлди.

Парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улғабек Иноятов қонун лойиҳасини тайёрлашда бир томонлама ёндашув бўлганини танқидий баҳолаб, фракциянинг қатъий позициясини билдирди.

Фракция раҳбарига кўра, қонун

дан сўнг қонун лойиҳаси овозга қўйилди ва 22 та қарши овоз бўлса-да, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Атроф-муҳит муҳофазасига масъуллик

Мажлисида қурилиш материаллари соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда экологик хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш натижасида юзга келадиган чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга зарурат сезилмоқда.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан оқилана фойдаланилишини таъминлашдан иборат. Қурилиш ойнасидан фойдаланиш натижасида юзга келадиган чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта ишлаш харажатларини қоплаш учун утилизация йиғими жорий этилмоқда.

Ўз навбатида, қонун лойиҳаси қурилиш ойнаси сифатини яхшилаш баробарида, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган қурилиш ойнаси экспорти ҳажминини янада ошириш имконини беради.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси экологик хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ўз истеъмол хусусиятини йўқотган қурилиш ойналарини утилизация қилиш инфратузилмасини яратишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириш янада жадаллашади

“Бозор ислохотлари ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги янада жадаллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мамлакатимизнинг халқаро иқтисодиётга тўлиқ интеграциясини таъминлаш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бозор ислохотлари ва Ўзбекистоннинг ЖСТга тўлақонли аъзолиги доирасида давлат иштирокидаги айрим йирик корхоналарнинг махсус (эксклюзив) ҳуқуқлари босқичма-босқич бекор қилиняпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши доирасида миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш ушбу ташкилотга аъзо бўлишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. ЖСТнинг Тарифлар ва савдо бўйича бош битимида аъзо давлатлар савдодаги тарифлар ва бошқа тўсикларни сезиларли даражада камайтириши лозимлиги таъкидланган.

Қонун лойиҳаси билан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда. Яъни қора ва рангли металл лому ва қўшимчаларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ва реализация қилиш, табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш тартибининг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси қора ва рангли металл лому ҳамда чиқиндилари, табиий газ савдоси соҳасига ҳусусий сектор ҳамда инновацияни жалб қилиш, рақобат ва очик бозор муҳитини яратишга қаратилган.

Муҳомамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Татаристонда ўтказилган «2025 — Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси» халқаро форумида «Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам қатнашди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақиқатга маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Телефон

71-259-74-51

155N 0010-678A

4 720330 478004

Тахририятга келган қўлаёзмалар таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.

Мусахҳиҳ — С. Исмоил.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6